

ИНСОН ўзлигини англагани сари, ўзи туғилиб ўсган она-Ватанга муҳаббат туйғуси кучайиб боради. Бу ҳиссиёт қанчалик кучли бўлса, она дённинг гуллаб-яшнаши учун кунюнчалик билан меҳнат қилиш иштиёқи тобора ёрқин намён бўлади. "Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади, — деб ёзади Юртбошимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида. — Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин".

Ёшлар йилида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тарбия шу мақсадга хизмат қилмоқда. Зеро, бугунги авлод — камол топиб, кўламли ва чуқур ислохотлар жараёнларидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган йигит-қизларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг таянчлари ва келажакдир. Уларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз истеъдоди ва салоҳиятини намён этиб, ҳаётини мазмунли қилиб қуришига интилиш руҳида тарбияламасдан туриб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга эриша олмаيمиз.

Касаба ташкилотлари бу жараёнларда фаол қатнашмоқдалар. «Ёшлар йили» дастурини белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш касабаси уюшмалари кўйи бўғинлари фаолиятининг негизини ташкил этаётди. Бу саъй-ҳаракатлар ниҳоятда кенг қамровли. Улар касабаси уюшмалари ташкилотлари етакчилигида салохиятли ёшларни танлаб, улар амалий ташкилотчилик малакасини эгаллаб олишлари учун турли ўқишлар ташкил қилишдан бошлаб, ёшлар ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш тадбирларини ўз ичига олади.

Чунончи, ёшларнинг маънавий дунёқараш ва билимини ошириш мақсадида турли учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда.

ТОМИРДА ВАТАН ИШҚИ ЖЎШ УРМОҒИ КЕРАК

Уларга маҳаллалар фаоллари, миллий маданият марказлари ва диний идораларнинг вакиллари ҳам тақлиф қилинаётди. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллатлараро ҳамжихатлик, диний бағрикенглик, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳақидаги суҳбатлар йигит-қизларда катта кизиқиш уйғотаётди.

Биз бу борада Ёшлар ташаббуслари маркази "Келажак овози" бошқаруви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, бошқа кўллаб-қувватловчи ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш мақсадидаги мақсадли кенгашириш учрашувлари ва амалий мулоқотлар яхши самара берапти.

Ёшлар йилидаги тадбирларимизда йигит-қизларнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларни иш ўринлари

билан таъминлаш масалалари ҳам етакчи ўрин тутаяпти. Бунда жаммоа шартномалари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу асосда фақат дастлабки олти ойдаёқ 1000 та кам таъминланган ёш оилаларга касабаси ташкилотлари томонидан 28,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 2-3 ёшдаги фарзандлари бўлган ёш оилалар учун эса 30 миллион сўм

ри, дарсликлар олиб беришда ифодаланмоқда. Чунончи, қисқа муддатда шу мақсадлар учун 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб, касабаси кенгашилари ва вакилликлар бўш ўринлар мавжудлигини, ёшларнинг бандлик даражасини ялпи ўрганиб, танқидий таҳлил қилиш

дастурига кўра боқувчисини йўқотган, кўмак ва ёрдамга муҳтож ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётди. Чунончи, шу тоифадаги иқтидорли талаба ва ўқувчилар учун уста-ма стипендия тайинланмоқда. Шундай талаба ва ўқувчиларга йил давомида касабаси уюшма маблағлари ҳисобига 15 миллион сўмлик иссиқ кийим-кечак ва пойабзал олиб беришни кўзда тутишимиз.

Касаба ташкилотларимиз ёшлар ўртасида спортни омалаштириш, улар спорт билан самарали шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш масалаларини ҳам ҳамиша диққат марказида тутимоқда. Бунинг самараси сифатида шундай айтиш мумкинки, вилоятимиз спортчилари мамлакат биринчиликларида, турли халқаро ва минтақавий мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, вилоятимиз довуруғини ёймоқдалар.

Биз ёш фермер ва тадбиркорларимиз, бинокорларимиз ва боғбонларимиз, барча соҳаларда ўз иқтидорини намён қилиб, мамлакатимиз янада обод ва маъмурий бўлишига салмоқли ҳисса қўшаётган, илм-фан ва маданиятни рағбатлантириш учун тинмай ишлаганини ёшларимиз билан фахрланамиз. Улар ҳар жаҳада юксак маънавийлик, жисмоний соғломлик, чуқур билим ва пухта касб малакасини намён этмоқда. Ёшларнинг ғайрат-шижояти тўғрисидаги баҳасларимиз учун муқаддас ва ягона Ватанимиз — мустақил Ўзбекистон гуллаб-яшнамоқда.

Рустам ТУРДИАЛИЕВ,
Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари.

Дил изҳори Кўп маъно ўқдим

ГОҲИДА турли саволлар тинчлик бермайди. "Ватан нима?", "Фидойилик қандай намён бўлади?", "Инсон ҳаётининг маъноси нимада?"

Кўпинча ҳаётимизда қарч уриб юрадиган шундай саволларга шу ёз жавоб топдим. Бунга вилоятимиз касб-хўрар коллежларида ўқитган тенгдошларим билан "Сумча" оромгоҳида дам олишим сабаб бўлди. Бунинг учун касабаси ташкилоти бепул йўланма берди.

Ёшлар йилида биз учун яратилган имкониятлар ва кўрсатилган ғамхўрликларни шу оромгоҳда дам олган кунларим яқол ҳис қилдим. Ҳар бир кунимиз мароқли ўтди. Бош тарбиячи Ҳилола Элбоева етакчилигида ўтказилган "Ўйла, изла, топ" шоу-сини оласизми ёки Заркент-бува зиёратгоҳига борганимизда халқимизнинг маънавий илдизлари ҳақида эшитган суҳбатимиз бўладими, ҳамма-ҳаммаси бир умр ёдимда муҳрланиб қолди.

Биз моҳир мураббийлар раҳбарлигида спорт билан шуғулландик, мириқиб чўмилдик. Вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти энгил атлетика, мини футбол, волейбол, ҳоккей, теннис, сузиш бўйича мусобақалар ташкил этиб, голибларни тақдирлади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ушториган суҳбатлар, баҳслар-чи? Биз — коллежларнинг талабалари уларда шу азиз Ватанимизни ардоқлаш, келгусида унинг рағбатли учун бутун кучимиз, иқтидоримизни сарфлаш, она юрт муҳаббати ҳақида фикр-лашдик.

Умуман, оромгоҳда коллежларнинг 250 ўқувчиси дам олди. Бунинг учун фақат йўланмаларнинг ўзига касабаси кўмиталари томонидан миллион-миллион сўм маблағ сарфланди. Оромгоҳдаги шина ётоқхоналарни, кенг ва ёруғ ошхонани, мукаммал спорт иншоотлари ва чўмилиш ҳавзаларини айтмайсизми?

Шу ғамхўрликлар кўнглимизни қувончга тўлдирди. Юртимиз — фахримиз, ифтихоримиз, у яққо ягона эканлигини яна бир бор юракдан ҳис қилдик.

Қани, ўзингиз айтинг-чи: шундай Ватани севмай бўладими? Ўз фарзанди кўнглини қурайиши мақсад қилиб олган давлатга садоқат билан хизмат қилмай бўладими?

Жамолдин ОРИПОВ,
Юқоричирчик туман педагогика касб-хўрар коллежи ўқувчиси.

КЕЛАЖАК — ЁШЛАРНИКИ

Энг азиз неъмат — мустақилликни мустақамлаш, она-Ватан иқтисодий куч-қудратини оширишда ёшларнинг фаолиятини кучайтиришга бағишланган анжуман, кеча ва ушторлар анъанавий тус олди.

Меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида ёшларнинг "Биз бир жамоамиз" номли чиқишлари ушторилмоқда. "Биз — Ўзбекистон ёшларимиз!", "Ўзгал ва мафтункор Ўзбекистоним!" фотокўргазмалари йигит-қизларни она юртини севишга, унга сиздиқилдан хизмат қилишга даъват этаётди.

Бўстонлик туманида "Келажак — ёшларники!" шiori остида ижтимоий-сиёсий анжуман ўтказилди. Ёш меҳнатчилар, коллеж ва мактаб ўқувчиларининг мулоқотлари жонли ўтди. Таниқли ёзувчи ва ҳуқуқшуносларнинг ишлорларни изчил амалга оширишда ёшларнинг иштироки масалалари ҳусусидаги маърузалари йиғилганларда катта кизиқиш уйғотди.

Ҳабибулла КАРИМОВ.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

● Касаба уюшмалари тизиминдаги маданият саройлари, кутубхоналар, корхона ва ташкилотларда Ёшлар йилига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди. Жумладан, Тошкент Давлат аграр университетини ўқитган паннолар ижтимоий-иқтисодий ва таълим ишлорларида ёшлар иштироки ҳақида ҳикоя қилади.

● "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти касабаси кўмитаси Навоий Давлат кончилиги институтининг шу шаҳардаги кон-металлургия факультети талабалари иштирокида "Миллий истиклол голлари" мавзусида ёшлар учун сабоқ ташкил этди. "Металлургия" маданият саройида ўтган машғулларда мустақилликни мустаҳкамлаш, ишлорларни чуқураштиришда ёшларнинг иштироки масалаларига алоҳида ургу берилди.

● Бошлангич касабаси ташкилотлари, тармоқ касабаси кенгашилари ва вакилликлари "Ўзбекистон, сени кўлайман!" номли санъат фестивалини ўтказишди. Унда ёшлардан иборат бадий жамоалар Ватани улусловчи, мустақилликни шарафловчи, тинчлик, баҳамжихатликка даъват этувчи куй-қўшқлар ижро этишди.

● Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши "Энг яхши талабалар тураржойи" кўрик-танловини ўтказди. 1-ўрин Тошкент Фармацевтика институтини талабалари тураржойига, 2-ўрин Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчилари тураржойига, 3-ўрин эса Тошкент Давлат аграр университети талабалари тураржойига берилди. Голибларга бир миллион сўмлик соғва ажратилди.

Қуйи ташкилотларда ЭЪТИБОР ЭЪТИҚОДНИ КУЧАЙТИРДИ

КОМБИНАТИМИЗДА ёш ишчи-хизматчилар асосий куч сифатида ўзларини намён этиб, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида сиздиқилдан меҳнат қилмоқдалар. Корхонамиз бошқаруви билан касабаси кўмитаси ўзаро ижтимоий шериқчилик асосида уларнинг меҳнатини ташкил этиш, иш жойларида зарур санитария-гигиена шароитларини яратиш, соғломлаштириш ва дам олдириш масалаларини ҳамиша диққат марказида тутимоқдалар.

Ёшлар йилида бу саъй-ҳаракатлар, айниқса, кизгин ва амалий тус олди. Давлатимиз раҳбари 2008 йили Ёшлар йили деб эълон қилиш ташаббусини илгари суриб, белгилаб берган йўл-йўриқлар асосида иш юритиб, ёш ходимларнинг маънавий тарбиясини, уларнинг моддий-маиший ва меҳнат шариоитларини янада яхшилаш масалаларини изчил ҳал этишга эришмоқдамиз. Ёшларни ўқитиш, ёш мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор кучайтирилади. Бугунги кунда корхона йўналишмаси билан кўнглина ёш ишчи-хизматчилар олий ўқув юртларида таҳсил олишаётди. Улардан 142 нафари турли ўқув юртларини битириб, корхонада яна меҳнат фаолиятини бошлади. 109 йигит-киз эса, ўқини давом эттирмоқда. Улар олий таълим олишлари учун контракт тўловлари корхона ҳисобидан амалга оширилди. Ёшлар йилининг ўтган муддатида шу мақсад учун 108 миллион сўм сарфланди.

Айни пайтда Олмалик кончилиги касб-хўрар коллежининг 50 нафар иқтидорли ўқувчиларига касабаси кўмитаси устама стипендия ажратиш ниётида. Утган ёш ойда 5 нафар ёш ишчи санаторийларда даволаниш учун бепул йўланма берилди. Санаторий-профилакторийда эса, 76 ёш йигит-киз имтиёзли асосларда ўз соғлигини тиклади. 11 та ёш оила учун "Умид гулшани"

санаторийсида даволанишга бепул йўланма ажратилди. Биз ўз дастуриимизда корхонамизнинг турли бўғинларида меҳнат қилаётган 1700 ёш оилани моддий кўллаб-қувватлашнинг режалаштирганмиз. Хозиргача фақат касабаси кўмитаси маблағларидан шу мақсадлар учун 10,6 миллион сўм сарфланди. Ёшларни маънавий-жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш ҳақида диққат марказимизда турипти. Улар турли танловларда, спорт мусобақаларида тобора муваффақиятли иштирок этишаётди. Касаба кўмитаси кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказган "Алломалар юртига муносиб авлодлар" кечасида саноят касб-хўрар коллежининг 30 нафар битирувчиси фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Корхонамизнинг "План Б" жамоаси кўнвоқлар ва зукколар кўрик-танловининг яқинловчи босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Қисқаси, Ёшлар йилига белгиланган дастурий вазифалар барча йўналишлар бўйича муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар ёшларда она-юртга муҳаббатни кучайтириб, ишлорларни муваффақиятли давом эттиришга муносиб ҳисса қўшишга интилишни кучайтираётди.

Собир ПЎЛАТОВ,
"ОКМК" очик акциядорлик жамияти касабаси кўмитаси раиси.

Сўз фестиваль голибасига ТЕНГДОШЛАР ИШОНЧИ МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ

"ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ" республика фестивалида иштирок этишим аниқ бўлганида, очини, ҳийла ҳаяжонландим. Ахир, мамлакат ёшлари, устоз ва мураббийлар олдида голибликка давсоғар сифатида майдонга чиқиш осонми?

Фестиваль доирасида "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли" мавзусидаги илмий конференцияда қиш қилиш, талабаларнинг театр гуруҳлари иж-

росидаги сахна томошаларида ўз лаёқатининг намойиш этиш талаб этиларди.

"Кўнвоқлар ва зукколар" жамоаларидаги бахсини-ку, кўяверасиз. Шу-

КАСАБА уюшмалари ва ДАВР

Саёҳат БУЮКЛАРДАН ИБРАТ

КАСАБА уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг кенгаши раёсати "Ёшлар йили" Давлат дастури вазифаларини бажариш, ёшларни тарихий ёдгорликлар, миллий урф-одатлар, анъаналар билан яқиндан таништириш, аждодлар меросини ўрганишни кўзлаб, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳия-

ти ва дунёқарашини, билимини ошириш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва республика пойтахтига саёҳат ушториш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қуйида шу асосида ташкил этилган саёҳатлар иштирокчиларига сўз берамиз.

ДОИМО ТАЪЗИМДАМИЗ

Гулноза Усмонова, Паркент туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассиси:
— Бир кунлик саёҳат мобайнида биз гўёки она-Ватанимизни яқиндан кашф этгандек бўлдик. Негаки, Зангиота зиёратгоҳи, бошқа тарихий обидалар ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Темурийлар даври тарихи музейида бўлиб, халқимизнинг озолиққа, маърифатга, давлатчилигимиз тарихи, аждодларимизнинг илм-фанга бўлган интилишлари ҳақида эшитганларимиз кўнглиларимизда ифтихор туйғусини кучайтирди. Улуг боболаримиз хотираси олдида ҳақиқат таъзимдамиз.

МИНГ РАҲМАТ!

Шаҳноза Маждивова, Зангиота туманидаги 36-мактаб компьютер саводхонлиги тўғраги раҳбари:
— 2200 йиллигини нишонлашга кизгин тайёрлик қўрилётган пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан яқиндан танишиб, ўзинимиз қандай юрт фарзанди эканлигимни чуқур

ҳис этдим. Ҳазрати Имом тарихий ёдгорликлар мажмуасини томоша қилар эканман, шундай улуг алломалар авлодидан эканлигим билан гуруҳландим.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

Сафаргул Тўғизбоева, Куйичирчик туманидаги кўптармоқли поликлиника ҳамшираси:
— Мустақиллик майдонини айланиб юриб, кўнглимдан ўтган фикр-уйларни, ҳиссиётларимни таърифлаб бера олмаиман. Лекин бир нарса аниқ: биз бу улугворлик, бу эзулик,

ИСТИРОҲАТГОҲЛАРДАГИ ТАЪТИЛ

"ЎЗМЕТКОМБИНАТ" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касабаси кўмитаси Ёшлар йилида йигит-қизларни дам олдириш ва уларнинг саломатлигини тиклашга эътиборини кучайтирмоқда. Шу кунгача комбинатнинг турли ишлаб чиқариш бўғинларида меҳнат қилаётган 405 нафар ёш пўлат қуювчи, темирйўлчи, хайдовчи ва бошқа касб эгалари Чорбоғ денгизи бўйидаги "Металлургия" пансионатида дам олдирилди. Мамлакатимизнинг марказий санаторийларида 52 ёш металлургия соғлигини тиклаб келди.

Бу мақсадлар учун корхона бошқаруви билан касабаси кўмитаси 147 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади.

Жаббор САЪМИЕВ.

нингдек, "Менинг гоям" новаторона нуқтаи назарлар танловига ҳам хозирлик қуриш керак эди. Ниҳоят, кизгин тайёргарлик палласи ортда қолди. Мен кун сайин алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб турган касабаси кўмитамиз ишончини оқладим. Самарқандда ўтган бу фестиваль дастурининг барча йўналишларида муваффақиятли қатнашиб, 2-ўринни эгалладим. Талабаларнинг маънавий-сиёсий камолотида бундай тадбирларнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини тушундим.

Рушана ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Тошкент Давлат аграр университети талабаси.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

вилоятимиз ёшларини, барча меҳнаткашларни мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги билан қизгин қутлайди.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барақа, хотиржамлик, бахт-саодат тилайди.

Саҳифани Ўзбекистон касабаси уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудури Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Даврон АХМД (суратлар) тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

СПОРТЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

МАМЛАКАТИМИЗ боксчилари Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX ёзи Олимпиада ўйинларида мухлис муваффақиятларини оқламоқда. Туртинчи кунги беллашуларда

икки ҳамюртимиз кейинги босқичга ўтди. 51 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Тўлашбой Дониёров Кения вакили Бернард Ирунгуну 10:1 ҳисобида доғда қолдирди.



пиони Дилшод Орипов юнон-рум кураши беллашуларида сербиялик Давор Штепанекни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон бокс бўйича дунёдаги энг кучли мамлакатлардан ҳисобланади, дейди Б. Ирунгу. Тўлашбой билан илгари ҳам рингга учрашган. Бу гал у бутунлай янгича тактика қўллаб, юксак маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини намойиш қилди.

Ўзбекистон бокс бўйича дунёдаги энг кучли мамлакатлардан ҳисобланади, дейди Б. Ирунгу. Тўлашбой билан илгари ҳам рингга учрашган. Бу гал у бутунлай янгича тактика қўллаб, юксак маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини намойиш қилди.

Ўзбекистон бокс бўйича дунёдаги энг кучли мамлакатлардан ҳисобланади, дейди Б. Ирунгу. Тўлашбой билан илгари ҳам рингга учрашган. Бу гал у бутунлай янгича тактика қўллаб, юксак маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини намойиш қилди.




РИШОД СОБИРОВ: ГАЛАБАМИ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

Р. Собиров 1986 йили Бухоро вилоятининг Жондор тумани Бўрбоғи қишлоғида туғилган. 11 ёшдан дзюдо билан шуғулланади. Уқувчи йилларида унга Рустам Туроев устозлик қилган бўлса, халқаро мусобақаларга тажрибали мураббийлар Фуқрат Солиев ва Борис Григорьев тайёрлаб келмоқда.

Р. Собиров халқаро майдондаги дастлабки муваффақиятини 2006 йили кўлга киритган. Ушунда у Хитой Тайпейда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, катта салохиятга эга эканини намойиш қилган эди. Орадан бир йил ўтиб, катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринга кўтарилди.

XXIX ёзи Олимпиада ўйинлари 21 ёши дзюдочимиз Ришод Собировнинг бир умр ёдида қоладиган бўлди. У Олимпиадада 60 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ҳисобига дастлабки бронза медални келтирди.

дан муваффақиятли ўтди. Бухоро давлат университетининг жисмоний маданият факультетини муваффақиятли тамомлади.



доимий гамхўрлиги туфайли мен, оддий қишлоқ йигити жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақасида шоҳсупага кўтарилиш шарафига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳба-

рининг Олимпиаданинг очиладиган шарафига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳба-

У.А. Фарход ҚУРБОНБОЕВ (У.А) олган сурат.

ЧЎЛПОН ИЖОДИГА ДОИР КЎРГАЗМА

АЛИШЕР НАВОЙИ номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг "Нодир нашр ва қўлзмалар" бўлимида Чўлпоннинг 110 йиллигига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Унда шоир асарларининг ўндан ортқ нодир нашрлари намойиш этилмоқда. Ай-тиб ўтиш жоизки, кўргазмага келган киши шоирнинг нашр қилинган дастлабки ижод маҳсулларида ҳам баҳраманд бўлади.

Мен Чўлпон ижодига жуда қизиқаман, дейди китобхон Шаҳноза Хушвақтова. Ушбу кўргазмадан ўзимга керакли бўлган кўплаб маълумотларни топишга муваффақ бўлдим. Бу ерда шоирнинг чоп этилган ва газета-журналларда бо-

Лолахон Сайфуллинанинг "Ичкари", Елена Зартнинг "Дувана" ва "Қиммат", Орешиннинг "Қишлоқ кооперативи" асарлари Москвадаги кенгаш иттифоқи халқларининг марказий наشريетида чоп этилган.

Мақур кўргазма август ойининг охиригача давом этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

Маънавият

СУДХЎРЛИК – ИЛЛАТ

Муҳтож одамга хоҳ моддий, хоҳ маънавий қўмақ бериш – инсоний фазилатлардан бири. Айниқса, моддий ёрдам ҳаммиса ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Холбуки, танг вазиятда бировга мадад қўлини чўзиш халқимизнинг миллий табиатидан келиб чиқади. Бу – азалий анъана. Ҳаммиса кучсизга ёрдам бериб, муҳтожнинг ҳожатини чиқариб яшаб келаётган халқмиз.



Маълумки, инсон табиатида ҳавоий нафс аталмиш бир хирс борки, шу тўғрив баъзан инсонни тўғри йўлдан оғишга ундайверади. Узебкнинг нимаси кўп, тўй-маъракаси кўп. Фараз қилинг, фарзандингизни уйлантиряпсиз. Қўлингиз бироз калталик қилиб, озроқ сармоға муҳтож бўлиб қолдингиз. Бир танишингиз машина олиш учун пул йиғган. Сиз ундан қарз сўрадингиз. У рад этди, лекин сиз ялани ёлвориб, уни кўндирдингиз, пул қўшиб беришни ваъда қилдингиз ва бу хатти-ҳаракатингиз билан бир одамни судхўрга айлантириб қўйганингизни хаёлга ҳам келтирмадингиз...

этилади. Биз эса, "Фалончи судхўрлик қилиб, фоиз эвазига пул берибди", деб нолишдан нарига ўтмаймиз. Аслида, юқорида таъкидлаганимиздай, бориға шукр қилмай, сохта обрў ортириш учун уни шу йўлга етаклаган, биронинг муҳтожлигидан фойдаланишга ўргатган ўзимиз эмасми? Пул берган танишимизнинг нафс балосига йўл очиб, мижозларини кўпайтириб, "судхўр" тамғасини бўйнига осиб қўётган сиз билан биз-ку!

Имом ат-Термизийнинг ривоятларида келтирилшича, судхўрликка гувоҳ бўлган, яъни фалончи пистончидан шунча қарз олди, фалон муддатга, устига шунча қўшиб қайтариши лозим, деб ҳужжатлаштириб берган кишига ҳам лаънат ёзилади. Шундай экан, арзимас ҳоҳ ҳавасимиз учун бировлардан қарз сўраб, уларни судхўрликка ундамайлик. Бировга берётган ёрдамимиз эса, таъясиз, холис ва беғараз бўлиши.

Абдулла САФАРОВ, Маънавият-тарғибот марказининг Куйичирчик тумани бўлими тарғиботчиси.

Бекажон

Французча салат Керакли масалликлар (3-4 порция учун): 4 та картошка, 2 та сабзи, петрушка, 2 та тузланган бодринг, 250 гр. кўк нўхот, 100 гр. майонез.

Нигоҳ

Балиқ овида одат тусига кириб қолган тартиб бор: катта ўлжа олиш учун қармоққа хўрақни ҳам қаттароқ қўйиш керак. Бу – синналган усул, овингиз албатта, бароридан келади.

б-ҳаво

Республика гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 13 август кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Фарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кенаси 15-17, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

ЛОЙҚА СУВДА

олмағач, зафарободлик ырқарлар Ю. Шодмонов ва Б. Сайдиновни Тожикистон Давлат Миллий хавфсизлик қўмитасининг Истарафшан бўлимига топширадилар. Бу бўлимга подполковник Латиф Зокиров раҳбарлик қиларди. Унинг қўл остида эса Ўзбекистон фуқароларига қарши "жосуслик" иши бўйича турли ивғарчиликлар, хийла-наиранлар ўйлаб топшига гоят устамон бўлиб кетган Манучер Каримов,

б-ҳаво

Тутқунларни дарҳол Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида чегара пункти орқали қўйиб юбордилар. Уларнинг асл мақсадлари ҳам шу эди. Давлат, чегара, хавфсизлик, бурч деган сўзлар тожик маҳсуус хизмати ходимлари учун пул ишлаш воситаси, холос. Провокация, қўрқитиш, куч ишлатиш орқали улар Ўзбекистон фуқароларини жосусликка айлаб, пул топмоқдалар. Образули қилиб айтганда, лойқа сувга тотли хўрак қўйиб, бойлик ортирмоқдалар.

б-ҳаво

Тожик ва ўзбек халқи бир неча асрлар давомида ёнма-ён, елкама-елка туриб, тинч-осойишта яшаб келган. Улар бир-бирларининг дардига малҳам, шодлигига шерик бўлиб, ахил-иноқликда ҳаёт кечирган. Бу анъана бугун ҳам йўқолгани йўқ. Чегара ҳудудларида ҳамон тожиклар билан ўзбекларнинг тўйлари, маърака-маросимлари айро ўтмайди. Улар бир-бирларини йўқлашади, бир-бирлариникига меймон бўлиб боришади, дафн маросимларида иштирок этиб, инсоний бурчларини адо этишади. Афсуски, Тожикистон маҳсуус хизматининг айрим ходимлари икки халқ ўртасидаги узиб бўлимас риштаннинг бардавонлигини ҳис эта олмаётганлар. Улар пул ишлаш йўлида ҳеч нарсадан тап тормай икки халқ орасига нифоқ солишга уринмоқдалар. Бу билан ўз таъкилотларининггина эмас, балки бутун мамлакатининг шаънини буғалоқмоқдалар. Тожикистоннинг юқори мартаба раҳбарлари ўз ходимларининг бундай "хунларларидан" хабардормикан? Бизни қизиқтираётган нарсана шу!

Асад АСКАРОВ, мустақил журналист. ("Сирдарё ҳақиқати" газетасидан).

б-ҳаво

Тожик ва ўзбек халқи бир неча асрлар давомида ёнма-ён, елкама-елка туриб, тинч-осойишта яшаб келган. Улар бир-бирларининг дардига малҳам, шодлигига шерик бўлиб, ахил-иноқликда ҳаёт кечирган. Бу анъана бугун ҳам йўқолгани йўқ. Чегара ҳудудларида ҳамон тожиклар билан ўзбекларнинг тўйлари, маърака-маросимлари айро ўтмайди. Улар бир-бирларини йўқлашади, бир-бирлариникига меймон бўлиб боришади, дафн маросимларида иштирок этиб, инсоний бурчларини адо этишади. Афсуски, Тожикистон маҳсуус хизматининг айрим ходимлари икки халқ ўртасидаги узиб бўлимас риштаннинг бардавонлигини ҳис эта олмаётганлар. Улар пул ишлаш йўлида ҳеч нарсадан тап тормай икки халқ орасига нифоқ солишга уринмоқдалар. Бу билан ўз таъкилотларининггина эмас, балки бутун мамлакатининг шаънини буғалоқмоқдалар. Тожикистоннинг юқори мартаба раҳбарлари ўз ходимларининг бундай "хунларларидан" хабардормикан? Бизни қизиқтираётган нарсана шу!

Асад АСКАРОВ, мустақил журналист. ("Сирдарё ҳақиқати" газетасидан).

Кулганга нима етсин

Хотиним ҳар туғилган кунда мўйнани пўстини соғи қилишимни сўрайверади! Шунча пўстинини нима қилади? Қаердан билар? Шунинг учун ҳали бирорта ҳам пўстин олиб бермадим. Хотин эрига: Адаби, эсингиздами, бир кун мени кузатиб ўйимизгача борганингизда итмиш сизни тишлаб олганди. Эсимда. Ушунда, биратўла гажиб ташласа бўларкан... Аёл киши билан уришганда жим туриш керак. Чунки, барча айтаган сўзларингиз албатта ўзингизга қайтади. Семизликдан қутиломай юрган бемор шифокор қабулига келди.

Рассом хандаси

Изоҳга ҳолат йўқ. Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

Тотли хўрак

ундан талаб қилинган пулни белгиланган жойга олиб келишини илтимос қилган эди. Сайдинов пулиннинг бир қисминини олиб келди, холос. Шундай эсада, бу ҳол маҳсуус хизмат ходимлари учун осмондан чалпақ ёғилгандай бўлди: улар ташлаган қармоқ ўз натижасини берган эди. Пул эвазига қариндошини қутқариб олмоқчи бўлган Сайдинов чучварани хом санаган экан. Пулни олиб, ўзини роса калтаклашади, сўнг уни олиб кетишади. Бу операция Давлат миллий хавфсизлик қўмитасининг катта тезкор вакили майор Олимжон Шербоев раҳбарлигида амалга оширилди. Тожик чекистлари Б. Сайдиновдан ҳам у мулақо беғабар бўлган юқоридаги каби маълумотларни билиб олишдан умиддор эдилар. Фаразли мақсадларига эриша

Тотли хўрак

ундан талаб қилинган пулни белгиланган жойга олиб келишини илтимос қилган эди. Сайдинов пулиннинг бир қисминини олиб келди, холос. Шундай эсада, бу ҳол маҳсуус хизмат ходимлари учун осмондан чалпақ ёғилгандай бўлди: улар ташлаган қармоқ ўз натижасини берган эди. Пул эвазига қариндошини қутқариб олмоқчи бўлган Сайдинов чучварани хом санаган экан. Пулни олиб, ўзини роса калтаклашади, сўнг уни олиб кетишади. Бу операция Давлат миллий хавфсизлик қўмитасининг катта тезкор вакили майор Олимжон Шербоев раҳбарлигида амалга оширилди. Тожик чекистлари Б. Сайдиновдан ҳам у мулақо беғабар бўлган юқоридаги каби маълумотларни билиб олишдан умиддор эдилар. Фаразли мақсадларига эриша

Тотли хўрак

ундан талаб қилинган пулни белгиланган жойга олиб келишини илтимос қилган эди. Сайдинов пулиннинг бир қисминини олиб келди, холос. Шундай эсада, бу ҳол маҳсуус хизмат ходимлари учун осмондан чалпақ ёғилгандай бўлди: улар ташлаган қармоқ ўз натижасини берган эди. Пул эвазига қариндошини қутқариб олмоқчи бўлган Сайдинов чучварани хом санаган экан. Пулни олиб, ўзини роса калтаклашади, сўнг уни олиб кетишади. Бу операция Давлат миллий хавфсизлик қўмитасининг катта тезкор вакили майор Олимжон Шербоев раҳбарлигида амалга оширилди. Тожик чекистлари Б. Сайдиновдан ҳам у мулақо беғабар бўлган юқоридаги каби маълумотларни билиб олишдан умиддор эдилар. Фаразли мақсадларига эриша

Тотли хўрак

ундан талаб қилинган пулни белгиланган жойга олиб келишини илтимос қилган эди. Сайдинов пулиннинг бир қисминини олиб келди, холос. Шундай эсада, бу ҳол маҳсуус хизмат ходимлари учун осмондан чалпақ ёғилгандай бўлди: улар ташлаган қармоқ ўз натижасини берган эди. Пул эвазига қариндошини қутқариб олмоқчи бўлган Сайдинов чучварани хом санаган экан. Пулни олиб, ўзини роса калтаклашади, сўнг уни олиб кетишади. Бу операция Давлат миллий хавфсизлик қўмитасининг катта тезкор вакили майор Олимжон Шербоев раҳбарлигида амалга оширилди. Тожик чекистлари Б. Сайдиновдан ҳам у мулақо беғабар бўлган юқоридаги каби маълумотларни билиб олишдан умиддор эдилар. Фаразли мақсадларига эриша

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-5-3-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун релама ва эълон берувчилар масъулдир.